

БҲТҲН ДҲНҲ ПРОЛҲТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (3776). | Жума, 23 февраль 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари
ўртоқ Александр ДУБЧЕКҚА

Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти
ўртоқ Антонин НОВОТНИЙГА

Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси
ўртоқ Йозеф ЛЕНАРТГА

ПРАГА

Азиз ўртоқлар!
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети сизларни ва қардош чехословак халқини шонли сана—чехословак меҳнаткашлари реакция кучлари ўстидан қозонган тарихий ғалабанинг 20 йиллиги билан қизғин табриқлайди.

Чехословакия меҳнаткашлари 1948 йил февраль ойида халқ-демократик тузумини ағдариб ташлашга уринган буржуа реакциясига ўзининг жанговар авангарди—Коммунистик партиянинг синалган раҳбарлигида қатъиятчи зарба берди. Февралдаги ғалаба ишчи-деҳқонларнинг таниқ ҳокимиятини ўрнатиб, мамлакатда туб социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш учун йўл очиб берди ва Чехословакиянинг социалистик йўлдан ривожланишига белгилаб берди. Бу ғалаба марксизм-ленинизм таълимотини ўз мамлакат шарафларида

Л. БРЕЖНЕВ
КПСС Марказий Комитетининг
Бош Секретари

иқодий тарзда қўллаётган шонли Чехословакия Коммунистик партияси сиёсатининг таянчидир.

Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнатсевар ва талантили халқи ўтган 20 йил ичида социалистик ҳамдўстлиги мамлакатлари билан мустақам ҳамкорликда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятга эришди. Чехословак халқи ҳозирги пайтда ривожланган социалистик жамият қуришининг Чехословакия Коммунистик партияси XIII съезди белгилаб берган программасини муваффақиятли сурутда амалга оширмоқда.

Чехословакия Социалистик Республикаси социалистик мамлакатлар улуг оқласининг актив аъзоси бўлиб, халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чехословакия Коммунистик партияси халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, барча антим-

Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси

периалистик кучларнинг бирлиги ва жипслигини мустақамлаш учун изчиллик билан кураш олиб бормоқда.

Марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари таянган ҳамда замон синовидан ўтган бузилмас қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик воситалари Совет Иттифоқи ва социалистик Чехословакия халқларини бирлаштириб турибди. Совет ишчилари қардош чехословак халқининг муваффақиятларидан астойдил ҳайронмоқда ва унга социалистик Чехословакияни ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди. Совет халқи Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги муносабатлар ҳар иккала мамлакатнинг, бутун социалистик ҳамдўстлигининг саодати йўлида, бутун дунёда социализм ва тинчлик ишининг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустақамлашиб боради, деб ҳақкур ишонч изҳор қилади.

А. КОСИГИН
СССР Министрлар
Советининг Раиси

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Кеча республика пойтахти меҳнаткашлари кўрсонди коллективларининг ва кенг жамоатчилигининг вакиллари маҳаллий гаризон жангчилари билан биргаликда СССР Қўролли Кучларининг 50 йиллигини улкан ва шодона байрам сифатида нишонлаш учун А. Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театрига тўланишди.

Тантанали йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов кириш сўзи билан очди.

Президиум столи ёнида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Лашченко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдуразақов, М. Т. Турсунов, ҳарбий кенгаш аъзоси, Туркистон Ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг

бошлиғи генерал-майор А. В. Дебалюк ва бошқалар бор эди.

Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондониди армия генерали Н. Г. Лашченко Совет Қўролли Кучларининг шонли 50 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш бошланиши олдида А. Навоий номи театр олдидаги майдонда Совет Қўролли Кучларининг 50 йиллиги шарафига Тошкент шаҳар ва районлари бўйлаб ўтказилган агитацион мото-пойга қатнашчиларини кўтиб олишга бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Бугун СССР Қўролли Кучлари ташкил топганига эллик йил тўлди.

Яшасин Ватанимизнинг содиқ посбони, тинчликнинг қудратли таянчи Совет Армияси!

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БҲЙРУҒИ

1968 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛЬ

№ 21

МОСКВА ШАҲРИ

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар! Армия ва флотнинг ветеранлари, ўртоқлар! Бизнинг халқимиз бугун сиёсий ва меҳнат гайрати гойат ўсган бир вазиятда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 50 йиллигини таътан билан нишонлайди.

Советлар ҳокимияти учун кураш ўти ичида Ленин вужудга келтирган СССР Қўролли Кучлари ўзларининг жанговар байроқларини граждон уруши ва Улуг Ватон уруши синовларидан шараф билан олиб ўтди. Улар империалистик агрессорларнинг ғалааларига қарши шиддатли жангларда Октябрь улуг ишининг қатъий туриб ҳимоя қилдилар. Европа ва Осиёдаги кўп халқларни фашизм ва империалистик асоратдан озод қилшга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар, ўзларининг тарихий вазифаларини шараф билан бажардилар.

мамлакатларнинг армиялари билан биргаликда социализм ғалабаларини, халқаро хавфсизлик ва алий тинчликни қўриқлаб турибди. Халқаро вазият мураккаблашган ҳозирги пайтда армия ва флот жангчилари ўз зиммаларига юклаган вазифаларни бажариш учун жавобгар эканликларини яхши биладилар. Коммунистик партияга ва ўз халқига чексиз содиқ бўлган жангчиларимиз империалистларнинг кирдиқорларини ҳушёрлик билан кузатиб бормоқдалар, ўзларининг ҳарбий маҳоратларини тинмай такомиллаштирмоқдалар, сиёсий билимларини оширмоқдалар ва ватанимизнинг муқаддас чегараларига ҳамла қилишга ботинадиган ҳар қандай агрессорга қатъиятчи зарба беришга тайёрлар.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар! Советлар мамлакатлари қўролли кучларининг ветеранлари, ўртоқлар! Сизларнинг умумхалқ байрами—Совет армияси ва Ҳарбий денгиз флотининг 50 йиллиги билан табриқлайман ва кутлайман.

Қўролли кучларнинг бутун шахсий составига жанговар ва сиёсий ўқишда янги муваффақиятларини, уларнинг коммунизм қураётган советлар мамлакатини ҳимоя қилишга доим шай бўлиб туришларини тилайман.

Совет армияси ва Ҳарбий денгиз флотининг 50 йиллигини нишонлаш учун БҲЙРАМАН: Бугун 23 февралда ватанимизнинг пойтахти қаҳрамон Москва шаҳрида, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарлар—Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада ва қаҳрамон Брест қалъасида тўплардан бир йўла эллик марта ўқ узиб, салют берилсин.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ленинга тинчликсеварлик ташқи сиёсатини қаттиққўллик билан амалга ошириб, мамлакатнинг мудоффаа қобилиятини тобора ошириш учун барча зарур чораларни қўймоқдалар. Армия ва Флотнинг енгилмас ҳарбий қудрати Улуг Октябрь ишини мустақам ҳимоя қилиш учун, Совет Иттифоқининг хавфсизлигини, империалистик агрессорларнинг ҳаммадарида муҳофаза қилишга таъминлаш учун вужудга келтирилган. Совет армияси ва Ҳарбий денгиз флоти қардош социалистик

Яшасин совет қўролли кучларининг 50 йиллиги!

Яшасин коммунизм қураётган улуг совет халқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси—жожаон Коммунистик партияга шон-шарафлар!

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ
СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ
А. ГРЕЧКО.

СОВЕТ АРМИЯСИ ШАРАФИГА

Пойтахтдаги округ офицерлар уйида Совет Армиясининг йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерга Улуг Ватон уруши қаҳрамонлари, Туркистон Ҳарбий округининг офицерлари, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аъзолари, шаҳар жамоатчилиги ва ишчилари тўланишди.

Йиғилишда республика ҳарбий комиссариати сиёсий бўлим бошлиғи полковник И. Кургузов очди.

Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари генерал-майор К. Каримов 1918 йил февралда Псков ва Нарва остоналарида тутилган Қизил Армиямизнинг босиб ўтган машаққатли ва айни вақтда шон-шарафга бурканган йўли ҳақида гапирди.

Туркистон Ҳарбий округининг бир группа офицерлари, шунингдек замасдаги ва истефодаги офицерларга совғалар ва СССР Қўролли Кучларининг 50 йиллик эсдалик медаллари топширилди.

„КОСМОС-203“ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1968 йил 20 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-203» учирилди.

Йўлдошга ўрнатилган илмий аппаратлар 1963 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазонинг тадқиқ қилишнинг давом эттирилади.

Йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координатлаш—ҳисоблаш маркази йўлдошдан олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.



1918 1968

